ABDUXAMIDOV Muxammadjon Abduxalim o‘g‘li
O‘zbekiston xalqaro islom akademiyasi islomshunoslik fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)
akademik1981@list.ru

АҚИДА МАСАЛАЛАРИДА ОҲОД ҲАДИСЛАРНИ ҚЎЛЛАШ УСУЛЛАРИ

МЕТОДЫ ПРИМЕНЕНИЯ АХАД ХАДИСОВ В ВОПРОСАХ ДОГМАТИЧЕСКОГО БОГОСЛОВИЯ

METHODS OF APPLYING AHAD HADITH IN MATTERS OF AQIDAH

Аннотация. *Мазкур мақолада мотуридийлик таълимоти асосида ақидага оид қабр азоби, мункар-накир саволи каби масалаларда ҳадислардан, хусусан, оҳод ҳадислардан фойдаланиш шартлари, уларни қўллаш усуллари, бу борада салаф уламоларнинг қўйган талаблари, оҳод ҳадис билан собит бўлган масалага ишонмаганларнинг даражалари ҳамда ақидага оид масалада оҳод ҳадислардан фойдаланиб бўлмаслигини иддао қилувчи тоифаларнинг фикрлари ва уларга раддиялар таҳлили амалга оширилган.*

Калит сўзлар: *ислом, ақида, Қуръон, ҳадис, оҳод ҳадис, мутавотир, қабр азоби, фосиқ, бидъат, ғайб.*

Аннотация. *В данной статье, на основе учения матуридия, рассмотрены условия использования хадисов, особенно, в таких вопросах, как мучение в могиле и допрос мункар-накира в могиле и способы извлечения ответы на такие вопросы из этих хадисов, требования, поставленные учёными-предшественниками в этом отношении, положение тех, кто не верит в эти учения, установленный такими хадисами, и использование хадисов в вопросах, связанных с акидой. Анализ мнений и возражений против тех, кто отвергает использование ахад хадисов в решении таких вопросов.*

Ключевые слова: *ислам, акида, Коран, хадис, ахад хадис, мутаватир, могильное наказание (мучение), преступник, ересь, гайб (тайное, сокровенное).*

Annotation. *This article, based on the teachings of Maturidiyah, examines the conditions for the use of hadiths, especially ahad hadiths, in issues such as the punishment of the grave and the issue of munkar-nakir, methods of their application, the requirements of predecessor scholars in this regard, the level of those who do not believe in the issue, established by hadith, and the use of hadith in matters related to aqidah. An analysis of opinions and objections to categories claiming that they do not exist has been carried out.*

Key words: *Islam, Aqida, Koran, Hadith, Ahad Hadith, Mutawatir, grave punishment, criminal, heresy, invisible.*

КИРИШ

Ақоид китобларида келадиган барча масалалар “ғайбиёт” дейилади. “Ғайбиёт” деганда ғойибда бўлган ва уни билиш, унга имон келтириш фақат ишончли “мутавотир” хабар билан бўладиган хабарлар тушунилади. Буларни билиш учун назар, ақл ва бошқа воситалар омил бўла олмайди. Булар бир қарашда йўқ, уларни кўриш, ушлаш, эшитиш ёки ҳис қилиш мумкин эмас. Улар ҳақидаги маълумотлар фақат Қуръон ва ҳадис орқали келган. Уларга имон келтириш ҳар бир мусулмон учун зарур [1:12].

АСОСИЙ ҚИСМ

Мутавотир хабарларнинг бошида Қуръон туради. Бу илоҳий китобда собит бўлган ҳар бир оят ўта ишончли равишда, мутавотир шаклда етиб келган. Қуръонда собит бўлган хабарни инкор қилган одам исломдан чиққан ҳисобланади.

Кейинги ўринда мутавотир ҳадислар туради. Буларда собит бўлган ҳақиқатларни инкор қилган шахс ҳам исломдан чиқади.

Баъзилар ақидада келган хабарларнинг ичида мутавотир эмаслари, оҳод деб аталадигани ҳам бор. Оҳод хабарлар билан эътиқод масалалари собит бўлмайди, деганларга қуйидагича жавоб бериш мумкин.

Муҳаққиқ уламолар таъкидлайдиларки, эътиқод масалалари қатъий ва мутавотир хабарлар билан собит бўлганидек, оҳод хабарлар билан ҳам собит бўлади.

Аммо, ҳукм жиҳатидан иккисининг орасида фарқ бор. Қуръонда қатъий собит бўлган ва ҳадисда мутавотир равишда келган эътиқод масалаларини инкор қилган шахс кофир бўлади. Оҳод ҳадислар билан собит бўлган эътиқодий масалаларни рад қилган одам эса, фосиқ бўлади [1:38].

Муҳаммад Абу Заҳра оҳод хабарлар билан эътиқод масалалари собит бўлишини салаф уламоларнинг сўзлари асосида исботлаган.

Муҳаммад Абу Заҳра аслида ақиданинг собит бўлиши фақат таъвилни қабул қилмайдиган Қуръон оятлари ва мутавотир

суннат билан бўлади. Оҳод хабарлар эса, уларни қабул қилиш вожиблигини таъкидлаш билан бирга, улар орқали ақида қатъий равишда собит бўлмаслигини айтиш керак. Мутавотир бўлмаган суннатда баъзи ақидага оид масалалар зикр қилинган, улар қабул қилинади, рад қилинмайди. Аммо уни инкор қилганларни кофир дейилмайди, [7:64] – деган.

Салаф уламоларнинг барчаси: оҳод хабарлар ақидага ҳужжат сифатида қабул қилинади, уларнинг кўпи илми яқинни ифода қилади, – дейишган. Уларнинг сафида Ибн Салоҳ ва Ибн Касир ҳам бор [4:72].

Оҳод хабарларнинг бир нечасида бир масала зикр қилинади ва улар жамланиб "маънавий мутавотир" даражасини олади.

Баъзи тоифалар қабр азобини инкор қилиб "Нажм" сурасининг 28-оятида келтирилган:

وَمَا لَهُمْ بِهِ مِنْ عِلْمٍ إِنْ يَتَّبِعُونَ إِلَّا الظَّنَّ وَإِنَّ الظَّنَّ لَا يُغْنِي مِنَ الْحَقِّ شَيْئًا

"Ҳолбуки, улар учун бу ҳақда бирор билим (ҳужжат) йўқ. Улар фақат гумон (тахмин)га эргашадилар холос. Гумон эса асло ҳақиқат ўрнига ўтмас" [10:527] жумлаларини далил қилиб, қабр азоби оҳод ҳадис билан собит бўлган, у эса, гумонни билдиради, Қуръонда эса, гумон қораланган, – дейишган.

Ҳар бир илмнинг ўз истилоҳлари бўлгани каби, ақида илмининг ҳам ўз истилоҳлари бор.

Унда мутавотир хабар билан собит бўлган масалани илми яқин билан собит бўлди, – дейилади. Мутавотир хабар билан собит бўлмаган масалани "зонн" билан собит бўлди, – дейилади. Бу ердаги "зонн" биздаги гумон маъносини англатмайди. Балки илми яқин даражасида бўлмаган илм маъносини англатади.

Энг муҳими, "зонн" билан "зонн"нинг фарқи бор. Оҳод хабар ақидада ҳужжат бўлмайди, деганларнинг "зонн" билан имом Бухорий, имом Муслим каби жумҳур уламолар тан олган имомлар ривоят қилган саҳиҳ ҳадисда нақл қилган "зонн"нинг, албатта, фарқи бўлади. Бу ҳақда Ибн Салоҳ "Муқаддима" номли китобида қуйидагиларни ёзади:

"Албатта, дастлаб ихтиёр қилган мазҳабимиз тўғри экани менга аён бўлди. Чунки, хатодан маъсум бўлган кимсанинг "зонн"и хато бўлмайди. Уммат эса, ўз ижмоъида хатодан маъсумдир" [4:114].

Бу ҳақда Абдураҳмон Ҳасан Ҳабаннакал Майдоний "ал-Ақидату-л-исламия ва усусуҳа" номли китобида қуйидагиларни ёзади:

"Баъзи оҳод ҳадислар ақоиддан бир қисмини ўз ичига олган. Уларни ислом уммати ўзининг аввалги асарларида ҳеч қандай инкорсиз қабул қилиб олган. Шу сабабдан ўша ҳадислар мутавотир мартабасига кўтарилган. Мусулмонлар уларнинг маъносини ҳеч бир инкорсиз қабул қилгани учун уларни "маънавий мутавотир" дейилади. У эса, лафзи мутавотир бўлган хабар ифода этган нарсанинг худди ўзини ифода этади".

Ақоид илми олимлари, "Оҳод ҳадисларни ақидада ҳужжат қилиб бўлмайди" деганларни қаттиқ қоралашганини ҳам айтиб ўтиш лозим. Бунга мисол тариқасида "Талхиси шарҳи ақоиди Тоҳовия" китобидан иқтибос келтирилади:

"Муҳаммад (с.а.в)дан саҳиҳ йўл билан собит бўлган шаръий хабар ва баёнлар ҳаммаси ҳақ" [1: 41].

Исломда энг нозик масала эътиқод масаласи экани ҳаммага маълум. Айни ана шу эътибордан Аллоҳ ақиданинг жавҳарий – асл масалаларини, бошқача қилиб айтганда, рукнларини Қуръон орқали собит қилган. Чунки, бу соҳада бир сўз билан кишининг имони куфрга, жаннати дўзахга айланиши мумкин.

Шунинг учун ҳам, ақоид илми уламолари Қуръондан кейин иккинчи ўринда турадиган далил – ҳадисларни ақида бобида қандай далиллар сифатида қабул қилиш кераклиги ҳақида баҳс қилишган.

Демак, ақида собит бўлиши учун фақат мутавотир, яъни, ёлғонга келишиб олишлари мумкин бўлмаган кўп сондаги ровийлар ривоят қилган ҳадис олинади.

Лекин ақида бўйича келтирлган далилларга қаралса, кўп хабарлар оҳод ҳадислар билан собит бўлганини ҳам кўриш мумкин. Баъзи уламолар, оҳод ҳадис билан ақида собит бўлмайди, – дейишади. Аммо қабр азоби, Мункар-Накир саволи, сирот, тарози, шафоат каби ақида масалалари айнан оҳод ҳадислар билан собит бўлган.

Ислом ақидасининг асоси ҳисобланган, имон рукни бўлган, Аллоҳга, Муҳаммад (с.а.в) га, Қуръонга, Қиёмат кунига, фаришталарга, қазои қадар ва бошқа шунга ўхшаш "Диндан деб билиш зарур ҳисобланган" масалаларга имон келтирмаган одам бутунлай диндан чиқиб кофир бўладиган хабарларнинг собит бўлиши учун илми яқиний лозим. У эса, Қуръон кучидаги далилни тақозо қилади. Дарҳақиқат, мазкур хабарлар Қуръон билан собит бўлган. Бунга ҳеч ким ихтилоф қилмайди.

ISSN 2181-9572

Лекин, оҳод ҳадис илми яқинийни ифода қиладими, деган тортишув натижаси кейинчалик баъзи ихтилофларга сабаб бўлди.

Ўша масалада, аҳл ас-сунна ва-л-жамоа уламолари оҳод ҳадис билан келган хабарни инкор қилган кишини имондан ажратадиган ақида собит бўлмайди, – дейганлар [1:58].

Шу билан бирга уламолар оҳод ҳадисда келган ҳукмга амал қилиш учун баъзи шартлар ҳам қўйишган. Жумладан, ҳанафий мазҳаби уламолари оҳод ҳадисга амал қилиш учун учта шарт қўйишган [9: 81].

1. Оҳод ҳадисни ривоят қилган шахс унга хилоф иш қилмаслиги керак. Агар ровий бир ҳадисни ривоят қилса-ю, унга амал қилмаса, унинг ривоятига эмас, амалига эргашилади. Зеро ровий ўз ривоятига унинг мансух бўлганини (амалдан қолганини) билгани учун амал қилмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳанафийлар Абу Ҳурайра ривоят қилган «Ит ялаган идишни етти марта ювиш» ҳақидаги ҳадисга амал қилишмаган, чунки Абу Ҳурайра бундай идишни уч марта ювган. Уламолар шунга амал қилишни танлашган.

2. Оҳод ҳадисда келган хабар кўп такрорланмайдиган, кўпчилик кўз ўнгида содир бўлмайдиган бўлиши керак. Шунинг учун ҳам ҳанафийлар намозда Рукуга кетишдан олдин икки қўлни кўтариш ҳақидаги ҳадисга амал қилмаганлар. Бу иш аслида кўп такрорланадиган, кўпчиликдан яширин қолиши мумкин бўлмаган амал. Чунки намоз кўп ўқилган, намознинг ҳамма амаллари мутавотир ҳадислар билан собит бўлган. Рукуга кетишдан олдин икки қўлни кўтариш ҳақидаги ҳадис оҳод бўлиб қолишининг ўзи шубҳа туғдиради. Агар бу амал бошқа амаллар даражасида бўлганида, мутавотир ҳадис билан собит бўлар эди.

3. Оҳод ҳадисда келган хабар шариатнинг асосига хилоф бўлмаслиги керак. Бунга Абу Ҳурайра ривоят қилган, бировнинг серсут қўйини соғиб ичиб турган одам сут эвазига бир соъ миқдорда хурмо беради, деган ҳадис мисол бўлади. Ваҳоланки, шариат қоидаси бўйича, бир нарсанинг эвазига унинг ўзига ўхшаш нарса қайтарилади.

Қолаверса, Абу Ҳурайра ривоят қилган бу ҳадис насх қилинган бўлиши ҳам мумкин.

Ҳадис орқали собит бўлган ҳукмлар тўрт қисмга бўлинади:

1. Қуръон билан собит бўлган ҳукмларни таъкидловчи ҳукмлар. Бунга намоз ўқиш, закот бериш, рўза тутиш, ҳаж қилишга ундовчи ҳамда Аллоҳга ширк келтириш, ёлғон гувоҳлик бериш, ота-онага оқ бўлиш, бировни ноҳақдан ўлдириш каби ишлардан қайтарувчи ҳадислар киради. Масалан, «Мусулмон кишининг моли бошқага ҳалол эмас, фақат ўзи рози бўлиб, берса ҳалол», мазмунидаги ҳадис “Нисо” сурасининг:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَأْكُلُوا أَمْوَالَكُمْ بَيْنَكُمْ بِالْبَاطِلِ

«Эй имон келтирганлар, мол-мулкларингизни ўртада ноҳақ (йўллар) билан еманг» [10:83] 29-оятини таъкидлаш учун келган. Шунингдек, «Хотинларга яхши муомалада бўлинг» ҳадиси ҳам “Нисо” сурасининг 19-оятини:

وَعَاشِرُوهُنَّ بِالْمَعْرُوفِ

«Улар билан тотув турмуш кечиринг» [10:80] оятини таъкидлаб келган.

2. Қуръонда умумий ёки мутлақ бўлган ҳукмларни хос ва қайдли қилувчи ҳукмлар. Умумий ҳукмни хос қилишига мисол: Аллоҳ никоҳи ҳаром бўлган аёлларни “Нисо” сурасининг 23-24-оятларида санаб бўлганидан кейин: «Ва сизга булардан бошқалар ҳалол қилинди» [10:81-82], – деган.

Бу умумий ҳукм. «Бир аёлни унинг аммаси, холаси, ака-укасининг қизи, опа-синглисининг қизи устига никоҳлаб бўлмайди», – деган ҳадис мазкур умумий ҳукмни хоссатан ушбу тўрт тоифа аёлни мазкур қариндошлари устига кундош қилиб олиб бўлмаслигини билдиради [2:170-171].

3. Қуръонда келган умумий ҳукмларни баён қилувчи ҳукмлар. Қуръонда намоз ўқиш, рўза тутиш, ҳаж қилиш, закот бериш каби умумий ҳукмлар келган. Суннатда эса намозни қандай ўқиш, рўзани қандай тутиш, ҳажни қай тариқа адо этиш, закотни қандай бериш ва бошқа шунга ўхшаш ҳукмлар батафсил баён қилиб берилган.

4. Қуръонда зикр қилинмаган ҳукмларнинг суннатда зикр қилиниши. Масалан, оила кўрган зинокорни тошбўрон қилиш Қуръонда йўқ, лекин суннат билан собит бўлган. Шунингдек, бир гувоҳ ва қасам билан ҳукм чиқариш, эркакларга тилла ва ипакли кийим кийишнинг ҳаромлиги, садақаи фитр каби ҳукмлар суннат билан собит бўлган [5:17].

Ҳадислар билан собит бўлган ақидалар. Қабр азоби ҳақлиги. Имом Бухорий ва Имом Муслим Оиша бинти Абу Бакрдан ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади:

Бир яҳудий хотин Оиша бинти Абу Бакр ҳузурига кирди. Қабр азоби тўғрисида гапириб, Аллоҳ сени қабр азобидан асрасин, деди. Оиша Муҳаммад (с.а.в.)га яҳудий хотиндан қабр азоби тўғрисида эшитганларини айтиб,

унинг гапи тўғрими, – деб сўради. Муҳаммад (с.а.в.): “Ҳа, қабр азоби ҳақ”, – дедилар. Оиша: “Шундан кейин Муҳаммад (с.а.в.) қачон намоз ўқиганларини кўрсам, “қабр азобидан асра” – деб, Аллоҳдан паноҳ тилар эдилар”– деди [6].

Аҳмад ибн Ҳанбал Убай ибн Абдуллоҳдан қабр азоби тўғрисида сўради. У қабр азоби тўғрисида Муҳаммад (с.а.в.)дан кўп саҳиҳ ҳадислар ривоят қилган. Уларга ишониб, қабр азоби бор деб эътиқод қилинади. Зеро, “Ҳашр” сурасининг 7-оятида:

وَما آتَاكُم الرَّسول فَخذُوهُ وَما نَهاكُم عْنهُ فَانتَهوا

“Пайғамбар сизга келтирган нарсани олинг, сизларни қайтарган нарсадан қайтинг” [10:546], – деган, деб жавоб берди. Шундан сўнг Имом Аҳмаддан қабр азоби тўғрисида сўрашганда, “Қабр азоби ҳақ, уни инкор қилганлар адашган гумроҳ бўлиб, бошқаларни ҳам адаштиради”, – деди.

Имом Термизий Абу Саиддан ривоят қилган ҳадисда Муҳаммад (с.а.в.):

انما القبر روضة من رياض الجنة أو حفرة من حفر النار

“Албатта қабр кимгадир жаннат боғларидан бир боғ, кимгадир дўзах чоҳларидан бир чоҳ”, – деган. “Тоҳо” сурасининг 124-оятида:

وَمَنْ أَعْرَضَ عَن ذِكْرِي فَإِنَّ لَهُ مَعِيشَةً ضَنكًا وَنَحْشُرُهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ أَعْمَى

“Ким менинг эслатмамдан юз ўгирса (кофир бўлса), бас, унинг учун танг (бахтсиз) турмуш (қабр азоби) бўлиши муқаррар ва Биз уни қиёмат кунида кўр ҳолда тирилтирурмиз» [10:230], – дейилади. Муҳаммад (с.а.в.): “Қуръонда ўттиз оятдан иборат бир сура бор, уни нажот берувчи сура дейилади. У Мулк сураси бўлиб, умматларимдан қайси бири уни ҳар кеча хуфтон намозидан кейин ўқиса, қабр азобидан сақланади”, – деганлар. Бу оят ва ҳадислардан қабр азоби ҳақ экани маълум бўлади. Шунинг учун аҳл ас-сунна ва-л-жамоа уламолари қабр азоби ҳақ эканига иттифоқ қилишган.

Қадарий ва муътазилийлар меърож воқеасини оҳод хабар билан собит бўлган, деган сабаб билан рад этишганида уларга қуйидагича раддия берилади: “Оҳод ҳадислар уч мартабада бўлади: Биринчиси – фақиҳлар оҳод ҳадислардан баъзиларига ишониб, билиттифоқ уни қабул қилган, мазкур ҳолатдаги оҳод ҳадис турли мажлисларда ровийларининг кўплиги боис мутавотир ҳадисга яқин бўлган машҳурлик даражасини [9:502] эгаллаган. Таниқли мутақаддим саҳобалардан бирортаси, уни инкор қилмаган. Натижада мазкур ҳолатда оҳод ҳадис ижмо ўрнига ўтиб, илм (эътиқод қилиш) ва амални вожиб қилади. Ким уни инкор қилса, фосиқ ва бидъатчи бўлади ҳамда унга таъзир ва зажр беришни вожиб этади. Баъзи фақиҳлар мазкур ҳолатдаги оҳод ҳадисни инкор қилган киши кофир бўлади, дейди.

Иккинчиси – баъзи оҳод ҳадисларни инкор қилувчи фосиқ бўлади, лекин бидъатчи эмас.

Учинчиси – оҳод ҳадислардан баъзисини инкор қилувчи киши фосиқ ҳам, бидъатчи ҳам бўлмайди. Бунда меърож хусусидаги оҳод хабар машҳурлик даражасида бўлган. Буни инкор қилган киши кофир бўлмаса ҳам, бидъатчи фосиққа айланади. Меърожнинг Байт ал-Мақдисгача бўлган қисмини инкор қилган киши кофир бўлишига ижмо қилинган” [3:113-194].

ХУЛОСА

Бундан маълум бўладики, мўътазилий, қадарий ёки ҳозирги даврдаги баъзи тоифалар оҳод ҳадислар собит бўлган барча эътиқодий масалаларни инкор қилиши тўғри эмас, балки уларнинг ҳар бирининг даража ва мартабасига қаралади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Баҳромов А. Ақидада адашмайлик. – Тошкент: Моваройуннаҳр, 2005.
2. Абулқосим Ҳиббатуллоҳ Лалкоий. Шарҳ усули эътиқод аҳл ас-сунна ва-л-жамоа. Ж. 1. – Искандария (Миср): Дор ал-Басират, 2001.
3. Абу Шакур Муҳаммад ибн Абдуссаид ибн Шуайб Солимий Кеший Макшифий. Ат-Тамҳид фи баён ат-тавҳид. – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. – Қўлёзма. Инв.№ 4604/II. – 113б-194б В.
4. Ҳусниддинов З. Ислом йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар. – Тошкент: Моваройуннаҳр, 2000.
5. Мунқиз ибн Маҳмуд Сақор. ат-Такфир ва завобитуҳу. – Жидда: Робитату-л-олами-л-исломий, 2009. – 17 б.
6. Муҳаммад Зоҳид Кўтку. Аҳли суннат вал-жамоат ақоиди // www.ziyouz.com кутубхонаси.
7. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Табризий. Мишкот ал-масобиҳ. – Байрут: Дор ал-фикрат, 1991.
8. Алимов У. IX-XI асрларда Самарқандда калом илмининг ривожланиши. – Тошкент: Моваройуннаҳр, 2008.
9. Шайх Аҳмад Мулла Жийван Ҳиндий. Нур ал-анвор. – Карачи: Мактаба ал-бушро, 2008. Ж. I. – Б. 502.
10. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири // Таржима ва тафсир муаллифи Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2018. – Б. 527.

ISSN 2181-9572